



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ЖАҲОН ИНВЕСТИЦИЯ ҲАМЖАМИЯТИ ЎРТАСИДАГИ ИШОНЧЛИ КЎПРИК

18 июнь куни Халқаро конгресс марказида Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида Хорижий инвесторлар кенгашининг навбатдаги ялпи йиғилиши бўлиб ўтди.



Инвестиция — мамлакат тараққиётини белгилловчи энг муҳим омиллардан бири. Яъни қайси мамлакатта сармоядорлар қизиқиши ортаётгани, демак, бу ерда бизнес учун муҳит яхши, шароит етарли. Мақсад аниқ. Ислохотлар ўзани тўғри.

Бугун Ўзбекистон шундай давлатлардан бири сифатида жаҳон ҳамжамияти эътиборига тушди. Мамлакатимизга инвестиция киритиб, ишлашни хоҳловчилар сони тобора ортиб, уларнинг сафи

нафақат сон, балки сифат жиҳатидан кенгайиб бораётгани фикримиз тасдиғидир. Бу борадаги ислохотлар янада жадал тус олиб, амалий самарадорлик кўлами орттиришда кейинги йилларда маҳаллий ва хорижий инвесторларга бизнес учун катта имконият ҳамда рағбат беришга қаратилган чора-тадбирлар муҳим омил бўляпти. Ушбу йўналишдаги ишлар изчиллик касб этган. Бизнес шарт-шароитлар тажриба, айна фаолият жараёнидаги ўрганишлар

асосида такомиллаштирилиб борилмоқда. Бунда, табиийки, Хорижий инвесторлар кенгашининг алоҳида ўрни бор. Негаки, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 13 ноябрдаги қарори асосида иш бошлаган мазкур кенгаш фаолияти инвестиция муҳитини янада яхшилаш, иқтисодиётнинг устувор соҳа ва муҳим тармоқларига тўғридан тўғри хорижий инвестиция жалб қилишни жадаллаштириш, илғор халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда

сифатли инвестиция жараёнларини ташкил этишга қаратилган.

Тадбирда Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо, етакчи хорижий компаниялар, банклар ва молиявий институтлар раҳбарлари ҳамда Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатларидаги инвесторлар кенгашлари аъзолари бўлган нуфузли халқаро ташкилот ҳамда тузилмалар вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари йиғилишда сўзга чиқиб, сўнгги йилларда Президент ҳузуридаги кенгаш амалий ислохотлар майдонида айрилиб, мамлакатимиз ва жаҳон инвестиция ҳамжамияти ўртасидаги ишончли кўприк сифатида ўз мавқеини мустаҳкамлаганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида Хорижий инвесторлар кенгашининг ялпи йиғилишини мунтазам ўтказиб бориш тизими

йўлга қўйилгани мамлакатимиз инвестиция сиёсатида институционал ёндашув тобора мустаҳкамланаётганини кўрсатади. Кенгаш давлат ва инвесторлар ўртасидаги тўғридан тўғри мулоқотни таъминлаб, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларга тезкор ечим топишнинг самарали механизми ўлароқ хизмат қилмоқда.

➔ **Давоми 2-бетда**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИТОРЛАР КЕНГАШИНИНГ ЯЛПИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Хурматли учрашув иштирокчилари! Хурматли Одиль Рено-Бассо хоним! Қадрли дўстлар!

Сизларни Хорижий инвесторлар кенгашининг навбатдаги ялпи мажлисида кўриб турганимдан хурсандман.

Аввало, хурматли Рено-Бассо хоним, ислохотларимизни доимий қўллаб-қувватлаб келаётганингиз ва Кенгаш фаолиятидаги самарали раислигингиз учун сизга чин қалбимдан миннатдорлик билдираман. Шу билан бирга, бугунги анжуманда қатнашаётган барча халқаро ташкилотлар ва хорижий компаниялар раҳбарларига самимий эҳтиромимни изҳор этаман.

Хурматли хонимлар ва жаноблар! Сўнгги йилларда Кенгаш оддий маслаҳат механизмидан амалий ислохотлар майдонида, Янги Ўзбекистон билан жаҳон инвестиция ҳамжамияти ўртасидаги ишончли кўприкка айланди. Бугун Кенгаш мустақил Ассоциация мақомига эга бўлиб, том маънода кучли институт даражасига кўтарилди. Утган бир йил давомида Кенгашда иштирок этаётган компаниялар сони 54 тадан 85 тага етди. Улар иқтисодиётимизнинг 23 та тармоғини қамраб олиб, ишчи гуруҳлар фаолиятида бевосита иштирок этмоқда. Бундан ташқари, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки ва Халқаро молия корпорацияси Кенгашининг Ижроия қўмитаси таркибиде фаолият юритмоқда.

Эътиборли томони, барча аъзоларимизнинг Кенгашдаги фаоллиги тобора ошмоқда. Бу — мазкур инвестиция платформасига бўлган юксак ишончнинг яққол далилидир. Хурматли кенгаш иштирокчилари! Сизлар билан ўтган йилги ҳам учрашиб, кўп масалаларни гаплашиб олган эдик. Аввали мажлисда илгари сурилган 21 та ташаббусга аниқ ечимлар берилди.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиман, инвесторларнинг ташаббуслари давлат сиёсатида ўзининг амалий ифодасини топмоқда. Тақлифларнинг салмоқли қисми асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштирдик. Жумладан: Солиқ кодексига инвесторлар учун қўлай бўлган ўзгаришлар киритилди; компаниялар ўртасидаги ички қарз битимлари молия назоратидан чиқарилди; асосий воситаларни тезлаштирилган тартибда амортизация қилиш ҳуқуқи берилди; халқаро стандартлар асосида ҳисобот юритувчи хорижий ширкатлар учун кўплаб мажбурий талаблар бекор қилинди.

Бундан ташқари, “Муқобил инвестиция жамғармалари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Масъулиятли бизнес юритиш стандартларини жорий этиш ҳамда 16 та техник регламентни халқаро меъёрларга мувофиқлаштириш дастури тайёрланди.

Шу билан бирга, хорижий инвесторларга тенг ва адолатли шароит яратиш бўйича халқаро мажбуриятларни ўз зиммасига олишда янги қадамлар ташланди. Яқинда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Халқаро инвестициялар ва кўп миллатли корхоналар тўғрисидаги декларациясига қўшилишимизни эълон қилдик. Ушбу йўналишдаги ишларнинг мантқиқий давоми сифатида Тошкент халқаро молия маркази тўғрисидаги Конституциявий қонун қабул қилиниши кутилмоқда.

Булларнинг барчаси — гоёларингиз амалиётда татбиқ этилаётганига ёрқин далилдир.

Хурматли Кенгаш иштирокчилари! Утган даврда Кенгаш ҳузуридаги ишчи гуруҳлар томонидан инвесторлар учун 50 дан ортиқ фойдали йиғилишлар ўтказилди. Натижада муқобил инвестиция жамғармалари, гаров қонунчилиги,

масъулиятли бизнес юритиш, профессионал кадрлар тайёрлаш, солиқ маъмуричилиги, ер ажратиш ва энергетика каби устувор йўналишлар бўйича муаммолар хорижий инвесторлар ҳамраислигида атрофлича муҳокама қилинди.

Бугунги мажлиста тайёрларлик жараёнида сизлардан 120 та янги тақлиф ва ташаббус келиб тушди. Уларнинг барчасини батафсил таҳлил қилиб, еттига устувор йўналишга бирлаштирдик. Булар: инвестиция муҳитини яхшилаш, солиқ тизими, кадастр, энергетика, молия ва банк тизими, корпоратив бошқарув, сунъий интеллект ва рақамли иқтисодиёт масалаларидир.

Айниқса, валюта айланмасидаги мониторинг жараёнларини енгиллаштириш; исломий сугурта, “яшил” кредит, банкларнинг муаммолари активлари савдосини йўлга қўйиш каби янги молиявий механизмларни жорий қилиш; корхоналарда атроф-муҳит, ижтимоий масъулият ва самарали бошқарувни ўз ичига олган ESG тамойиллари қўлланишини рағбатлантириш каби тақлифлар ҳозир ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир.

Шу боис, ҳар бир йўналиш бўйича масъуллар белгиланиб, аниқ ечимлар ишлаб чиқилди.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу долзарб вазифани ўз зиммасига олган ишчи гуруҳлар ҳамраислари: “Vision Invest”, “BDO”, “Crowe”, “OTP Group”, “Franklin Templeton”, “Ernst & Young”, “Kosta Legal” ва “ACWA” компаниялари раҳбарларига миннатдорлик билдираман.

Шунингдек, йил давомида самарали фаоллик кўрсатиб, муҳим ҳужжатлар ва пухта ташаббуслар тайёрлагани учун Кенгашининг барча аъзоларига алоҳида ташаккур айтаман.

Хурматли хонимлар ва жаноблар! Энди бевосита мулоқотга ўтсак.

Йил давомидаги таҳлилларингиз асосида қандай муаммоларни аниқладингиз? Инвестиция муҳитини янада яхшилаш

устувор йўналишлар бўйича муаммолар хорижий инвесторлар ҳамраислигида атрофлича муҳокама қилинди.

Бугун ушбу залда Ҳукумат аъзолари — Бош вазир ўринбосарлари ва вазирлар иштирок этмоқда. Сизларни диққат билан тинглашга, ҳар бир муаммо ва тавсияни батафсил муҳокама қилишга тайёрмиз. Ишимизни янада самарали ташкил этиш бўйича тақлифларингиз бўлса, уларни очик мулоқот руҳида кўриб чиқамиз.

Албатта, бугун кўтариладиган барча масалалар умумлаштирилиб, мажлисимиз якунаси бўйича ягона “Йўл харитаси” ишлаб чиқилади. Бош вазир ўринбосари Ж.Хўжаев ва Инвестициялар, саноат ва савдо вазири Л.Қудратов ҳар чоракда уларнинг ижроси бўйича менга шахсан ҳисобот бериб боради.

Энди фикр ва мулоҳазаларингизни эшитамиз.

Хурматли дўстлар! Бугунги мулоқотимиз гоёат мазмунли ва фойдали бўлди. Айниқса, амалий натижага йўналтирилган тақлифларингиздан жуда хурсанд бўлдим.

Чин ҳамкорларимизнинг барча ташаббуслари халқимиз фаровонлиги ва инвестиция муҳитини яхшилашга хизмат қилади. Янги Ўзбекистонда иштирок этганингиз учун самимий раҳмат айтамоқчиман.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларга мустаҳкам соғлиқ, профессионал фаолиятингиз ва шахсий ҳаётингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИТОРЛАР БИЛАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ШЕРИКЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 июнь куни Хорижий инвесторлар кенгашининг навбатдаги йиғилиши доирасида Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо бошчилигидаги делегация, Ўмон Султонлиги иқтисодиёт вазири Хамис бин Сайф ал-Жабрий бошчилигидаги делегация ва Янги тараққиёт банки президенти Дилма Русефни қабул қилди.

ЕТББ президенти Одиль Рено-Бассо бошчилигидаги делегация билан учрашувда Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан Янги Ўзбекистонда ислохотлар дастурини амалга ошириш доирасида амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кенг кўламли

шерикликни мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Ушбу етакчи кўп томонлама молиявий институт билан стратегик шериклик бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам юқори даражада экани катта мамнуният билан қайд этилди.

➔ **Давоми 2-бетда**

ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ: ИККИ ТОМОНЛАМА АЛОҚАЛАР ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан 17-18 июнь кунлари Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер рафикаси ҳамроҳлигида расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.

Қайд этиш керак, икки кунлик ташриф дастури сермазун бўлди. Ташрифнинг биринчи кунини Ўзбекистон ва Германия давлат раҳбарларининг тор доирада ҳамда расмий делегациялар иштирокидаги музокаралари бўлиб ўтди. Бир қатор янги қўшма лойиҳа ва дастурлар ишга туширилди.

Давлатлар раҳбарлари ўтказилган музокаралар якунаси бўйича Қўшма баёнот қабул қилиб, кўп қиррали ҳамкорликни янада

мустаҳкамлашга интилишларини тасдиқладилар. Икки томонлама ҳужжатларни алмашиш маросими ҳам бўлиб ўтди. Ўзбекистонда шахарларни барқарор ривожлантириш бўйича лойиҳаларни бажариш учун грант маблағлари ажратиш ва имтиёзли молиялаштиришни назарда тутувчи молиявий ҳамкорлик соҳасидаги келишувлар имзоланди.

➔ **Давоми 2-бетда**

Янги Ўзбекистон билан жаҳон инвестиция ҳамжамияти ўртасидаги ишончли кўприк

Ўзбекистон — Германия: икки томонлама алоқалар изчил ривожланмоқда

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистонда инвестиция муҳити тубдан яхшиланиб бораётгани ўтган йили ялпи ички маҳсулот 7,7 фоиз ўсганида, иқтисодиётга 43 миллиард доллар инвестиция жалб қилинганда, миллий валютамиз барқарорлиги таъминланиб, халқаро захираларимиз ҳажми 70 миллиард доллардан ошганида ҳам аққол кўринади.

Кенгаш ўтган вақт мобайнида мустақил ассоциация макomini олиб, мамлакат иқтисодиётининг 23 та тармоғида фаолият юритувчи 85 та компанияни бирлаштирди. Ижроия қўмитаси таркибига Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки ҳамда Халқаро молия корпорацияси қиради. Норматив-ҳуқуқий база изчил такомиллаштирилгани ҳамкорликнинг муҳим амалий натижаларидан бири бўлди.

Кенгаш аъзолари тақлифларидан келиб чиқиб, Солиқ кодексига ўзгариштирил киритилди, молиявий тартибга солиш ва ҳисоб юритишнинг айрим тартиб-таомиллари соддалаштирилди, халқаро молиявий ҳисобот стандартларини қўллайдиган хорижий компаниялар учун қатор мажбурий талаблар бекор қилинди.

Шу билан бирга, миллий қонунчиликни халқаро амалиётга янада яқинлаштириш давом этмоқда. Жумладан, “Муқобил инвестиция жамғармалари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси тайёрланди, Массуляти бизнес юритиш стандартларини жорий этиш бўйича дастур ишлаб чиқилди, техник регламентларни халқаро меъёrlарга мувофиқлаштириш ишлари олиб борилаётганда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг (ИХТТ) халқаро инвестициялар ва кўп миллатли корхоналар тўғрисидаги декларациясига қўшилиш жараёни олиб борилади. Кейинги қадам сифатида Тошкент халқаро молия маркази тўғрисидаги конституциявий қонунни қабул қилиш режалаштирилмоқда.

“Буларнинг бари гоёларнингиз амалиётга таъбиқ этилаётганининг ёрқин далилидир”, деди давлатимиз раҳбари.

Кенгаш фаолияти таҳлил қилинар экан, гоё ва ташаббуслар амалий ҳаракатларга, йирик лойиҳаларга, ҳуқуқий асослар мустаҳкамланишига хизмат қилаётгани аён бўлади.

Кенгашнинг соҳавий ишчи гуруҳлари фаолияти тизимли тус оқди. Молия бозорини ривожлантириш, гаров қонунчилигини такомиллаштириш, масъулиятли бизнес юритиш, солиқ маъмурчилиги,

энергетика, ердан фойдаланишни бошқариш, кадрлар тайёрлаш ҳамда давлат ва инвесторлар учун ўзаро манфаатли бўлган бошқа йўналишлар бўйича 50 дан ортиқ учрашув ўтказилди.

Мазкур мажлисга тайёргарлик жараёнида хорижий ҳамкорларнинг янги ташаббуслари тўплами шакллантирилди. Келиб тушган 120 та тақлиф инвестиция муҳитини яхшилаш, солиқ ва кадастр тизимлари, банк-молия соҳаси, корпоратив бошқарув, энергетика, шунингдек, сунъий интеллект ва рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни қамраб олган еттига устувор йўналишга бирлаштирилди.

Валюта айланмасини тартибга солишни янада энгиллаштириш, ислоний сўғурга ва “яшил” кредитлаш каби замонавий молиявий воситаларини жорий этиш, банк активлари бозорини йўлга қўйиш ҳамда экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув тамойилларини кенг қўллаш бўйича тақлифларга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳар бир йўналиш бўйича амалий ечимлар тайёрланиб, масъул ижроичилар белгиланди.

Президентимиз кенгаш ишбилармонларнинг ташаббуслари давлат сиёсатида ўз амалий ифодасини топадиган самарали очиқ мулоқот майдонига бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади. Шу бонс, халқаро инвесторлар билан тўғридан тўғри ҳамкорликни сақлаб қолиш ҳамда қайта алоқа механизмларини янада такомиллаштириш муҳимлигига алоҳида урғу берилди.

Ингилиш якунида барча тақлифларни умумлаштириб, ягона “йўл харитаси” ишлаб чиқиш, амалга ошириш мудоатлари ва назорат механизмларини аниқ белгилаш топширилди.

Ўзбекистон ҳукуматининг инвестиция соҳаси учун масъул аъзолари ҳужжат ижроси юзасидан Президентга ҳар чоракда ҳисобот тақдим этиб бориши белгиланди.

Ингилиш иштирокчилари ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш, Ўзбекистоннинг инвестиция жойбадорлигини юксалтириш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳамда ишлохотларни муваффақиятли давом эттиришига қаратилган ташаббусларни биргаликда амалга оширишдан манфаатдорлигини билдирди.

Шундан сўнг тақдимотлар, иштирокчиларнинг чиқишлари ҳамда кенгаш аъзоларининг савол-жавоб сессияси бўлиб ўтди.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Хорижий инвесторлар билан кенг кўламли шериклик янада мустаҳкамланади

Бошланиши 1-бетда

Бугун Ўзбекистон ЕТБнинг минтақадаги энг йирик ҳамкори ҳисобланади. Устувор йўналишлардаги лойиҳаларининг умумий портфели 7 миллиард доллардан ошди. Инвестицияларнинг катта қисми хусусий секторни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган.

Экологик транспортни ривожлантириш, темир йўл инфратузилмасини рақамлаштириш, тадбиркорлик, ипотека бозори ва мамлакат стартаплар экотизминини қўллаб-қувватлаш соҳаларида янги келишувлар имзолангани мамнуният билан қайд этилди.

Жорий йилда кичик ва ўрта бизнесни кредитлаш кўламини кенгайтириш, жумладан, экспортни молиялаштириш, аёллар ва ёшларни бизнес юритишга ўқитиш дастурларини амалга ошириш, кишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш ҳамда банк-молия секторини трансформация қилиш жараёнларида иштирок этиш ва бошқа йўналишлар устувор этиб белгиланди.

Тавлим, соғлиқни сақлаш ва транспорт инфратузилмаси соҳаларида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини илгари суриш бўйича режалар қўллаб-қувватланди.

Лойиҳаларни тайёрлаш механизмларини такомиллаштириш ҳамда уларни амалга ошириш самардорлигини яхшилаш мақсадида Европа тикланиш ва тараққиёт банки экспертларини жалб этишдан манфаатдорлик билдирилди.

Хорижий инвесторлар кенгашининг бўлажак тўртинчи ингилиши кун тартиби ҳам кўриб чиқилди.

Ўмон Султонлиги иқтисодиёт вазири Хамис бин Сайф ал-Жабрий бошчилигидаги делегация билан учрашув аввалида юқори мартабали мехмон давлатимиз раҳбарига Ўмон Султони Хайсам бин Ториқ Ол Саиднинг самимий саломини етказди.

Томонлар савдо-иқтисодий ва инвестиция-молиявий соҳалардаги ҳамкорликни жадаллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашишди.

Бошланиши 1-бетда

Олий мартабали мехмон 18 июнь кунин Тошкентдаги Ислон цивилизацияси марказига таширф буюрди.

Ислон цивилизацияси маркази тарихий ва замонавий илм-фанни уйғунлаштирган, қўлёзма манбаларни рақамли технологиялар асосида ўрганишига хизмат қилувчи йирик халқаро илмий-маданий мажмуадир.

Миллий мейморчилик анъаналари ва замонавий дизайн ёндашувлари уйғунлигида бунёд этилган марказнинг гумбазлари, пештоқлари ҳамда нафис нақш безаклари унинг бетакрор мейморий қиёфасини намоеён этади.

Олий мартабали мехмонга халқимиз тарихий тараққиётининг муҳим босқичларини ёритувчи “Ислондан аввалги цивилизациялар”, “Биринчи Ренессанс даври”, “Иккинчи Ренессанс даври”, “Ўзбекистон XX асрда” ҳамда “Янги Ўзбекистон — Янги Ренессанс” бўлими бирафта таърифланди.

Ўшбу экспозицияларда мазкур даврлар тарихи ноёб ашёлар, қўлёзма манбалар, фотоматериаллар ва замонавий мультимедиа воситалари орқали ёритилган.

Делегация вакиллари Курьони карим залида бўлиб, ислон оламийнинг энг ноидир ёдгорликларидан бўлган қадимий Усмон Мухсафи билан танишди. Ушбу ноёб манба ўзининг улкан тарихий ва маданий аҳамияти билан таширф буюрувчиларда катта таассурот қолдиради.

Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер давлатлараро маданий мулоқот ва маънавий яқинликни мустаҳкамлаб, глобал шароитда халқаро ҳамкорликни кучайтиришда Ислон цивилизацияси марказининг ўрни беқиёс эканлигини таъкидлади.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Германия Федератив Республикаси ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар бутунлай янги босқичга кўтарилди. Мунтазамлик касб этган олий даражадаги мулоқотлар икки томонлама иқтисодий шерикликка янги суръат бағишламоқда.

Бугун Ўзбекистон ва Германия иқтисодиётлари бир-бирини тўлдирувчи хусусиятга эга экани амалий лойиҳаларда яққол намоеён бўлмақда. Германия ўзининг илгор технологиялари ва юқори сифатли санаот ускуналари билан мамлакатимиз учун энг ишончли ҳамкорлардан бирига айланди. Юртимизда немис капитали ва юқори технологиялари иштирокда амалга оширилаётган йирик ташаббуслар иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилишга хизмат қиляпти.

Тошкент шаҳрида муваффақиятли фаолият юритаётган “Rarenburg Uzbekistan” қўшма корхонаси ана шундай юқори технологик ҳамкорликнинг ёрқин намунасирид.

Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер мазкур қўшма корхонада ҳам бўлди.

Германиянинг етакчи технологиялари ва миллий йўл қурилиши анъаналари асосида ташкил этилган ушбу корхона инфратузилмавий тараққиёт йўналишида самарали фаолият олиб бормоқда. Икки давлат раҳбарларини муҳим келишувлари ҳамда Ўзбекистон Ҳукуматининг тегишли қарорини ижроси доирасида 2021 йилда иш бошлаган мазкур субъект қисқа мудада миллий йўл инфратузилмасини

халқаро стандартлар даражасида янгилашнинг муҳим драйверларидан бирига айланди.

Лойиҳани кенг кўламда амалга ошириш, замонавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида пойтахтимизнинг Бектемир туманидан 8 гектардан ортиқ ер майдони ажратилган. Корхонанинг қисқа фурсатда тўлиқ қувват билан ишга тушиши ва юқори самарадорликка эришишида Ўзбекистондаги қулай тадбиркорлик муҳити, бюрократик тўсиқларнинг йўқлиги ҳамда қонунчилик даражасидаги кафолатлар муҳим пойдевор бўлди.

Ушбу лойиҳа нафақат иқтисодий, балки катта ижтимоий аҳамиятга ҳам эга. Бугунги кунда корхонада фаолият юритаётган юқори малакали ишчи ва мутахассисларнинг асосий қисмини маҳаллий ёшлар ташкил этади. Улар немис муҳандисларидан замонавий технологияларни бошқариш сирларини ўрганиб, юртимизда йўл қурилиши соҳасининг янги авлод кадрлари бўлиб этишмоқда.

Икки томонлама шериклик кўламининг бундай кенгайиши нафақат санаот ва инфратузилма, балки меҳнат миграцияси ва профессионал таълим йўналишида ҳам янги истиқболларни очмоқда. Шу бонс, таширф давомида Германия Президентни Франк-Вальтер Штайнмайерга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Миграция агентлиги ҳамда Германиянинг масъул ташкилотлари ҳамкорлигида амалга оширилаётган мақсадли лойиҳалар ҳақида маълумот берилди.

Бу жараёнда ёшларни иш билан таъминлаш ва уларнинг касбий маҳоратини ошириш масаласига алоҳида урғу берилди.

Мазкур лойиҳалар ўзбекистонлик ёшларга немис тили ва халқаро касбий стандартларини пухта ўргатиш орқали уларнинг Германиядаги етакчи санаот, қурилиш, тиббиёт, транспорт ва хизмат кўрсатиш тармоқларида қонуний

**И.АВВАЛБОЕВ,
М.ҲОЖИАҚБАРОВА,
Б.ХУДОЙБЕРДИЕВ,
ЎЗА мухбирлари**

Франк-Вальтер ШТАЙНМАЙЕР:

“САМИМИЙ МУЛОҚОТЛАР ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРГА ЯНГИ СУРЪАТ БАҒИШЛАДИ”

Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер Ўзбекистонга икки кунлик расмий таширфи бўйича оммавий ахборот воситалари вакилларига олий даражадаги Ўзбекистон — Германия саммити якунлари юзасидан интервью берди.

— Ўзбекистонга таширфимиз давомида бизни анъанавий ўзбекона меҳмондўстлик билан кутиб олишди. Бугун эса биз ўзига хос бир воқеанинг гувоҳи ҳам бўлдик. Ўзбекистон миллий футбол терма жамоаси мустақилликнинг 35 йили мобайнида илк бор жаҳон чемпионатида йўланмани қўлга киритгани билан бутун мамлакат ҳақли равишда фахрланмоқда.

Миллионлаб инсонлар мухлислик қилган биринчи ўйин кутилганидек кечмади, бироқ олдинда гуруҳ босқичининг яна иккинчи учрашуви бор. Биз жамоага чин дилдан муваффақият тилаймиз ва унинг мусобақада янада олга боришига умид қилами.

Айни дамда биз Ислон цивилизацияси маркази ёнида турибмиз. Унинг номига эътибор бериш — гап дин ҳақида эмас, айнан цивилизация ҳақида бормоқда. Бу Марказий Осиёнинг исломга ва ислом даври тарихи ҳақида тасирчан тарзда ҳикоя қилувчи йирик илмий-маърифий марказидир.

Албатта, биз бу ерга фақат мамлакатнинг бой маданияти ва тарихи билан танишиш учун келмадик. Таширфининг биринчи кунинда асосий эътибор Ўзбекистон Президентини билан бўлган музокараларга қаратилди. Биз сиёсий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, истиқболли алоқаларни кенгайтириш йўналишларини, икки мамлакат халқлари ўртасидаги алоқаларни чуқурлаштириш йўларини муҳокама қилдик.

Германия технологиялари Ўзбекистонда яхши танилган ва юксак кадрлар билан. Кўплай немис компаниялари мамлакат иқтисодиёти ривожига алоқачон салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Айни пайтда ҳамкорлик салоҳияти хали тўла ишга солинмаган. Айнан шунинг учун ҳам мен бу ерга нуфузли ишбилармонлар делегацияси ҳамроҳлигида келишни муҳим деб ҳисобладим.

Таширфимиз арафасида Ўзбекистон идоралари, корхоналари ва немис компаниялари ўртасида қатор музока-



“ **Бу кўп жиҳатдан минтақаниннг ўзига хос географик жойлашуви билан ҳам боғлиқ. Марказий Осиё йигирма йилдан ортиқ вақтдан буён эътиборини торттиб келади. Германия нуқтаи назаридан, бу минтақа Европа ва Осиё ўртасидаги энг муҳим кўприқдир.** ”

ралар бўлиб ўтди ва уларнинг натижасида янги келишувлар имзоланди. “Volkswagen” компанияси Ўзбекистонда ишлаб чиқариш корхонасини қуриш ва ишга тушириш тўғрисида қарор қабул қилганини мамнуният билан қайд этаман.

“Rhenus” компанияси йирик логистика маркази лойиҳасини амалга ошираётган бўла, “Henkel” мамлакатдаги сармавуий иштирокчини кенгайтирмоқда. Булар Германия бизнесининг Ўзбекистонга қизиқиши ортиб бораётганини яққол кўрсатувчи бир нечта мисол, ҳолос.

Бу кўп жиҳатдан минтақаниннг ўзига хос географик жойлашуви билан ҳам боғлиқ. Марказий Осиё йигирма йилдан ортиқ вақтдан буён эътиборини торттиб келади. Германия нуқтаи назаридан, бу минтақа Европа ва Осиё ўртасидаги энг муҳим кўприқдир. Ўзбекистон ўзининг боғловчи бўлган сифатидики ролинни доимо англаб келган ва ана шу стратегик устунликка таяниб, изчил сиёсат юритган.

Халқаро ўртасидаги алоқаларга келсак, яқин йилларда улар фақат кенгайиб боришига ишончим комил. Бунга Ўзбекистонлик малакали мутахассисларга Германияда осонроқ ишга

жойлашиш имконини берадиган Миграция ва мобиллик тўғрисидаги янги битим асос бўлиб хизмат қилади.

Бундай имкониятларга қизиқиш анча юқори. Ўзбекистон аҳолиси ҳар йили тахминан бир миллион кишига кўпаймоқда. Кўплай ёшлар учун касбий камолотга эришиш нафақат янги меҳнат бозори, балки хорижда ишлаш истиқболлари билан ҳам боғлиқ.

Шу билан бирга, бугунги кунда Германия ягона йўналиш эмас. Бугун дунёда малакали кадрлар учун рақобат кетмоқда ва биз бу ҳақиқатни инобатга олишимиз зарур. Бироқ бизнинг мавқеимиз анча мустаҳкам кўринади. Ҳозирги вақтда 400 мингдан ортиқ Ўзбекистон фуқароси немис тилини ўрганмоқда ва Германияга қизиқувчилар сонини ортишга давом этапти.

Авал ҳам таъкидлаганимдек, Марказий Осиё йигирма йилдан зиёд профессионал фаолиятимда алоҳида ўрин тутди. 2006 йили Германия ташки ишлар вазири лавозимида ишлаётганимда ушбу минтақа билан янада яқинлашув ҳамкорлик қилиш ташаббусини илк бор илгари сурган эдим. Ўша пайтларда биз ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги алоқалар анча

ҳамда хавфсиз меҳнат фаолиятини йўлга қўйишга қаратилган. Бу эса мамлакатимизда ёшлар бандлигини таъминлаш ва уларнинг жаҳон меҳнат бозорига рақобатбардошлигини оширишда муҳим омил бўлмақда.

Олий мартабали мехмон икки давлат ўртасидаги меҳнат миграцияси соҳасидаги тизимли ташаббуслар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш дастурларига алоҳида қизиқиш билдирди.

Бугунги кунда Германиянинг 38 та йирик шерик-иш берувчи ташкилоти билан тўғридан тўғри изчил алоқалар ўрнатилган. Айнан шу ҳамкорлик натижасида немис меҳнат бозорига ўзбекистонлик мутахассислар учун 73 мингдан ортиқ бўш иш ўрни тақлиф қилинган бўлиб, ҳозирги кунгача ушбу йўналишда 5 минг 500 нафар фуқаро германиялик иш берувчиларга бирик-тирилди.

Таширф доирасида айниқса тиббиёт ва соғлиқни сақлаш йўналишидаги қўшма лойиҳалар алоҳида эътироф этилди.

Германия Президентни немис тили ва касб-хунар сирларини ўрганиб, Германияга ишга кетишга тайёрларлик кўраётган ўзбекистонлик ёшлар билан самимий мулоқот қилди. Ёшларнинг билимга бўлган интилиши ва немис тилини мукамал эгаллагани юқори баҳоланди.

Шу билан Германия Федератив Республикаси Президентни Франк-Вальтер Штайнмайернинг Ўзбекистонга таширфи якунланди.

**И.АВВАЛБОЕВ,
М.ҲОЖИАҚБАРОВА,
Б.ХУДОЙБЕРДИЕВ,
ЎЗА мухбирлари**



Форумдан кутаётган натижаларимиз юқори. Уч кунлик тадбирлар доирасида ўн миллиардлаб долларлик янги инвестиция битимлари имзоланиши кутиляпти.



ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИ

42 ТРИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК АКТИВГА ЭГА ХОРИЖ КОМПАНИЯЛАРИ МАМЛАКАТИМИЗДА



Пойтахтимиз навбатдаги тарихий саммит – V Тошкент халқаро инвестиция форумига мезбонлик қилмоқда. Йил давомида қутилган ва катта тайёргарлик кўрилган муҳим иқтисодий тадбирда иштирок этиш учун юртимизга дунёнинг 100 дан ортиқ давлатидан 4 миң яқин хорижлик делегат келганининг ўзиёқ унинг аҳамиятини яққол намоён этади. Нуфузли меҳмонлар қатор давлат ва ҳукуматлар раҳбарлари, йирик молия ташкилотлари, таниқли бренд ва компаниялар эгаларидан иборат.

Улар орасида BlackRock, Coca-Cola, Veolia, JAC Motors, John Deere, TBC Bank, SOCAR каби юзлаб дунё гигантларини учратиш мумкин. Мазкур брендлар вакилларини Ўзбекистонга бир мақсад — V Тошкент халқаро инвестиция форумида иштирок этиш истаги чорлади. Маълумотларга кўра, иштирокчи компанияларнинг умумий активлари 42 триллион долларни ташкил этади. Бу жаҳон яппи ички маҳсулотининг 38 фоизи дегани.

Мазкур рақамлар бу йилги Тошкент халқаро инвестиция форумида қайд этилган жаҳон рекорд кўрсаткичи эмас. Форумнинг юбилей санасида деярли барча рақамлар янгиланди. Хусусан, саммитда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтганлар сони 8,3 миң нафардан ошган бўлса, реал секторда 2,5 миңдан зиёд компания раҳбарлари қатнашмоқда. Бу ўтган йилдагидан икки баробар кўп, айнан шунинг ўзи жаҳон глобал бизнес вакилларининг мазкур тадбирга қизиқиши ҳамда мамлакатимиз инвестицион жозибадорлиги тобора ортиб бораётганини кўрсатади.

— Форумнинг юксак сиёсий нуфузини унда 62 та ҳукумат делегацияси иштирок этаётгани ҳам яққол тасдиқлайди, — дейди Ўзбекистон Республикаси инвестициялар, саноат ва савдо вазири Лазиз Қудратов. — Бу ўтган йилдагидан деярли уч баробар кўп. Қолаверса, V Тошкент халқаро инвестиция форумининг очилиш маросимида 10 га яқин давлат ва ҳукумат раҳбари нутқ сўзлагани халқаро саммитнинг беш йиллик ишидаги тарихий воқелиқдир.

Бу йил иштирокчилар сони ҳам, нуфузи ҳам анча ошган. Рўйхатдан ўтганларни таҳлил қилганимизда, илк бор АКШдан ҳам ўнлаб йирик бизнес эгалари келаётганига гувоҳ бўлдик. Бу тадбирга қизиқиш ортиб бораётганини тасдиқлайди. Қолаверса, унга халқаро молия ташкилотлари ва тижорат банкларининг 370 дан ортиқ вакили жалб этилган. Форум ишлари маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакилларидан ташқари дунёнинг 41 мамлакатидан келган 200 дан ортиқ хорижлик журналист фаол ёритмоқда. Улар орасида Bloomberg, Reuters, Nikkei, EuroNews, BBC

News, CGTN, TRT, The Independent, Xinhua сингари нуфузли халқаро ахборот агентликлари ҳам бор.

Умуман, мазкур йирик тадбир мамлакатимиз иқтисодиёти учун катта имконият, шу билан бирга, биз учун жиддий масъулият ҳамдир. Форумдан кутаётган натижаларимиз юқори. Уч кунлик тадбирлар доирасида ўн миллиардлаб долларлик янги инвестиция битимлари имзоланиши кутиляпти. Бунинг учун барча имкониятлар ишга солинадиган, тадбирлар давомида имзоланган йирик лойиҳалар ҳам тайёрланган. Бундан ташқари, маҳаллий тадбиркорларимиз, ҳудудий тармоқлардан умумий қиймати 82 миллиард долларлик тақлиф ва лойиҳалар олинган. Тўғри, бу ушбу лойиҳаларнинг ҳаммаси имзоланган, дегани эмас. Уларни саралаб, инвесторларга тақдим этилган, уларда қизиқиш уйғотган лойиҳалар бўйича кейинги келишувлар белгиланади.

Америка бизнесининг рекорд даражадаги иштироки

Форум иштирокчилари қаторида ўзимиз билган жаҳонга машҳур брендлар номларини кўриб, ҳайратланмай иложимиз йўқ. Бундай йирик компанияларни мамлакатга чорлаш у ёқда турсин, ўзаро алоқаларни ўрнатилишининг ўзи осон эмас. Аммо бугун хорижлик инвесторларнинг ўзи юртимизга катта қизиқиш билан келаяпти. Бу йил уларнинг орасида АКШлик ишбилармонлар кўпчилигини ташкил этаётгани мамлакатимизнинг ривожланиётган иқтисодиёти глобал майдонда алақачон ишонч уйғота олгани, инвестицион жозибадорлиги ортиб бораётганининг яққол исботи.

Тошкент халқаро инвестиция форуми эса ҳар йили мамлакатимизда чет эллик тадбиркорларнинг мамлакатимиз иқтисодий имкониятлари билан танишиши, маҳаллий корхоналар вакиллари билан мулоқот қилиб, ҳамкорлик ўрнатиши учун шароит яратмоқда, фаол платформага айланипти. Ўтган беш йил ичида ушбу форум шунчаки мулоқот майдонидан чиқиб, бутун Марказий

Осиё минтақасининг инвестицион жозибадорлигини намоён этаётган йирик тадбир сифатида эътироф этилмоқда. Форумнинг мақсади ҳам шундай — мулоқотлар аниқ амалий ҳамкорликка айланиши, хорижлик инвесторларнинг минтақа мамлакатлари билан фаол боғланиши керак.

Пойтахтимиздаги САЕх кўргазмалар мажмуаси айни жараёнларнинг қоқ марказига айланган. Бойси, V Тошкент халқаро инвестиция форумининг ўнлаб учрашувлари айни шу ерда ўтказилмоқда. Бу йилги дастурдан ўрин олган тадбирлар сони 36 тадан 79 тага оширилди. Иштирокчилар панель мунозаралар, инвестицион питч сессияси, давра суҳбатлари, бизнес мулоқотларда қатнашмоқда. АКШ, Хитой, Туркия, Озарбайжон, Саудия Арабистони каби қатор давлатлар вакиллари иштирокида икки томонлама бизнес-форумлар ўтказилди. Уларда минтақамиз ва глобал майдондаги энг долзарб масалалар муҳокама қилинмоқда. Жумладан, саноатни ривожлантириш, “яшил” энергетика, Марказий йўлак имкониятлари, рақамли бошқарув, сунъий интеллект, ислом молияси ва озик-овқат хавфсизлиги масалалари алоҳида эътибор қаратилляпти. Спикерлар эса халқаро тоифадаги нуфузли мутахассислардан иборат.

— Форумда АКШнинг 193 та компаниясининг иштироки таъминламоқда муносабатлари тарихидаги энг йирик бизнес делегация иштироки, рекорд кўрсаткич сифатида баҳоланмоқда, — дейди АКШ Халқаро тараққиёт молия корпорацияси (DFC) бош директори Бен Блек. — Бу Америка бизнеси Ўзбекистонни нафақат истиқболли бозор, балки узоқ муддатли сармоявий ҳамкор сифатида кўраётганига ишорадир. Қолаверса, Марказий Осиё 100 миллиондан ортиқ аҳолига эга жадал ривожланаётган минтақа бўлиб, Ўзбекистон ундаги асосий фигурага айланган. Биз мамлакатда улкан иқтисодий салоҳиятни кўриб туришимиз ва фаол ҳамда узоқ муддатли ҳамкорликка тайёрмиз. Кўплаб соҳалар бизни қизиқтиряпти. Ҳатто бизнес-форум доирасида саноат, нефть ва

газ, молия, авиация, сунъий йўлдош алоқаси, рақамли инфратузилмани ривожлантириш йўналишларида икки томонлама ҳамкорлик битимлари имзоланди.

Тадбиркорлар учун янги формат

Халқаро форумнинг асосий тадбирларидан бири Миллий инвестиция кўргазмаси бўлиб, бу йил иккинчи бор ўтказилмоқда. САЕх кўргазмалар майдони айни тадбир руҳида безатилган. Умумий экспозициянинг марказида мамлакатимизда қад ростилаётган янги ва замонавий олимпия шаҳарчаси рамзи акс этиб турибди. Унинг тағида эса Янги Тошкент шаҳрининг катта макети жойлаштирилган. Хорижлик меҳмонлар эътиборини тортаётган бу мажмуадаги аксарият лойиҳаларда чет эллик инвесторларнинг ўзлари ҳам иштирок этаётир.

Бу йилги кўргазма аввалгисидан фарқли. Майдон бўйлаб бирорта маҳсулотни учратмайси, улар энг замонавий мониторларда электрон тарзда намоён этиляпти. Жараёнда интерактив форматларга уруғ берилиб, замонавий технологияларнинг энг илгор ютуқларидан фойдаланилган. Ҳар бир стендада кўрсатилган махсус QR-код орқали электрон платформага кириш ва маҳсулотлар каталогини билан танишиш мумкин. Буларнинг ҳаммаси интернет тармоғи орқали амалга оширилади ва бу борада меҳмонларга қийинчилик туғилмайди. Бойси, кўргазма майдонига кирган ҳар бир кишининг мобил қурилмаси автоматик тарзда Wi-Fi тармоғига уланади.

маҳсулотларимизни янги бозорларга экспорт қилиш учун ҳам жуда катта платформа. Айнан инвестицион лойиҳалар экспортни ҳам, ишлаб чиқаришни ҳам, ҳудудлар ривожини, янги иш ўринлари яратишни ҳам оширади. Ўтган йили Иштихон туманига 70 миллион доллар тўғридан тўғри хорижий инвестиция киритилган бўлса, бу йил мазкур 170 миллион доллар қилиб белгилаб олганмиз. Форум давомида хорижлик инвесторлар туманимизнинг драйвер тармоқларидан бўлган узумчилик, қурилиш

материаллари, туризм йўналишларидаги лойиҳаларга қизиқиш билдирапти. Мулоқотлар қизғин кечмоқда, дастлабки келишувларга ҳам эришдик. Бу йил форумда маҳсулотлар, лойиҳалар айнан электрон форматда намоён этилаётгани қўлайлик яратяпти. Дунёнинг юзлаб давлатларида кўргазмалар шу тарзда ташкил этилади. Бугун кўргазма майдонида ўрнатилган стендлар жаҳон стандартларига тўла жавоб беради. Электрон намоёнларга қизиқиш билдирган инвесторлар билан музокара-лар ўтказаямиз, уларни маҳсулотлар билан реал таништириш учун ҳудудларга тақлиф қилаямиз.

Яъни миллий кўргазма шунчаки намоён майдони вазифасини бажармай, бевосита инвестиция лойиҳаларини имзолашга хизмат қилиши кўза тутиларин. Маҳаллий ишбилармонлар орасида янги иш бошланган, аввал хорижга чиқмаган, экспорт ва ҳамкорлик масалаларида тажрибаси етарли бўлмаганлари ҳам бор. Шу боис, бу борада уларга ҳар бир ҳудуддан келган ҳокимликлар ва тегишли ташкилотлар вакиллари фаол кўмаклашяпти.

— Бу йилги форумда туманимиздаги бир қанча тадбиркорлар билан иштирок этишимиз, — дейди Самарқанд вилояти Иштихон тумани ҳокими Фазлиддин Рўзиев. — Уларнинг қизиқиши, иштиғи жуда балеанд. Чунки бу форум нафақат инвесторлар, янги ҳамкорлар топиш, балки маҳаллий

Сармоядорлар спорт майдонида

V Тошкент халқаро инвестиция форуми бу гал ана шундай янгиликларга бой тарзда ўтмоқда. Расмий учрашувлардан ташқари но-расмий муҳитдаги мулоқотлар йўлга қўйилган хорижлик инвесторларда ҳам қизиқиш уйғотяпти. Хусусан, форум тарихида илк бор ишбилармонлик дастури нуфузли спорт тадбирлари билан бойитилди. Расмий мажлис залларидан ташқари олиб чиқилган бундай учрашувлар ҳамкорларга янада қўлай танишув имкониятини яратди.

Хусусан, йирик инвестор ва хорижий делегатлар, маҳаллий тадбиркорлар, давлат идоралари вакиллари форум доирасида ташкил этилган теннис турнири ҳамда юғурши марофатида учрашдилар. Дастлаб иштирокчилар 15 июнь куни Олимпия шаҳарчасида ўтказилган “TIFF Open” йирик теннис турнирида яққил ва жудулик форматда куч синанган бўлса, кейинги куни “Янги Ўзбекистон” боғида бўлиб ўтган марофатда 3 ва 10 километр масофага юғуришди. Эътиборлики, спорт тадбирлари Masdar, The Coca-Cola Company, Halyk Bank каби жаҳоннинг энг йирик компаниялари кўмағида ўтказилиб, меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Бундай лойиҳалар форумнинг стратегик ва ижтимоий аҳамиятини ҳам намоён этади. Қолаверса, ҳозир замонавий спорт дипломатиясини ривожланиб, ишбилармонлик алоқаларини ўрнатишга хизмат қилмоқда. Турли авлод ва давлатлар вакилларининг спорт майдонларидаги бирлашуви умумий ҳамкорлик муносабатларини ҳам ривожлантиради. Дўстона муҳит нафақат бугун қабул қилинадиган иқтисодий қарорлар самараси, балки узоқ йиллар давом этадиган ҳамкорлик алоқаларида акс этади.

V Тошкент халқаро инвестиция форуми ана шундай муштаким иқтисодий алоқаларга замин яратмоқда. Уч кун давом этадиган форум доирасида 10 миллиардлаб долларлик йирик инвестициявий битим ва шартномалар имзоланиши кутиляпти. Лойиҳалар бевосита юртимиз ҳудудларига кириб бориб, иқтисодий ривожланиш, аҳоли фаровонлиги ва турмуш тарзини оширишга хизмат қилади.

Ирода ТОШМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

ИҚТИСОДИЙ ДИПЛОМАТИЯНИНГ САМАРАЛИ ПЛАТФОРМАСИ

Нуқтаи назар

Бугун жаҳон иқтисодиёти кескин ўзгаришлар, геосиёсий мураккаблиқлар ва янги иқтисодий

чақириқлар шароитида ривожланмоқда. Бундай вазиятда ҳар бир давлат ўзи иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, янги инвестицияларни жалб қилиш ва халқаро ҳамкорликни муштаклаш орқали рақобатбардошлигини оширишга интилади. Шу нуқтаи назардан қараганда, Тошкент халқаро инвестиция форуми нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё минтақасининг иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамият касб этаётган нуфузли халқаро тадбирга айланди.

Мамлакатимиздаги очиклик сиёсати, инвестициялар учун қўлай муҳит яратиш, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш ва тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган ислохотлар амалий самара бермоқда. Бунинг ёрқин тасдиғини ҳар йили юқори савияда ташкил этилаётган ушбу форум мисолида ҳам кўриш мумкин.

Тошкент халқаро инвестиция форуми сўнгги йилларда мамлакатимиз инвестиция сиёсатида муҳим ўрин эгалламоқда. Форум турли мамлакатларнинг давлат арбоблари, халқаро молия институтлари раҳбарлари, йирик корпорациялар, инвестиция компаниялари, банклар ва бизнес доиралари вакиллари билан танишишга имконият яратди.



Жамила БОБОНАЗАРОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси

мажмур майдон орқали юзлаб истиқболли лойиҳалар бўйича келишувларга эришилмоқда, миллиардлаб долларлик инвестициялар мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилинмоқда.

Бугун халқаро экспертлар Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги энг жозибадор инвестиция платформаларидан бири сифатида

эътироф этаётган бўлса, бу аввало, Президентимизнинг пухта ўйланган иқтисодий сиёсати натижасидир.

Ҳар қандай давлат тараққиёти инвестициялар ҳажми ва самарадорлиги билан бевосита боғлиқ. Янги ишлаб чиқариш қувватлари, замонавий технологиялар, юқори қўшилган қиймат яратадиган корхоналар ва янги иш ўринлари айнан инвестициялар ҳисобига ташкил этилади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонга жалб қилинаётган тўғридан тўғри хорижий инвестициялар ҳажми бир неча баробар ошди. Бу жараёнда мазкур форум муҳим катализатор вазифасини бажармоқда. Бинобарин, форум доирасида “яшил” энергетика, саноат, транспорт-логистика, рақамли технологиялар, қишлоқ ҳўжалиги, туризм, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида кўплаб йирик лойиҳалар бўйича келишувлар имзоланмоқда. Бу эса мамлакат иқтисодиётининг тармоқлар кесимида мувозанатли ривожланишига хизмат қилмоқда.

Айниқса, хусусий сектор иштирокини кенгайтириш, давлат-хусусий шериклик механизмларини ривожлантириш ва халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорликни кучайтириш бўйича эришилаётган натижалар алоҳида эътиборга лойиқ.

Жорий йилги форум доирасида Президентимизнинг дунёдаги етакчи компаниялар раҳбарлари билан ўтказган учрашувлари мамлакатимизга ишонч тобора ортиб бораётганини яна бир бор намоён қилди. Хусусан, Саудия Арабистонининг йирик компанияси бошқаруви раиси Мухаммад Абунайян билан бўлиб ўтган мулоқотда энергетика, транспорт, инфратузилма, туризм ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ҳамда режалаштирилаётган лойиҳалар муҳокама қилинди. Бу каби мулоқотлар мамлакатимизга янги инвестициялар кириб келишини таъминлаш билан бирга замонавий технологиялар ва илгор бошқарув тажрибаларини жалб қилиш имконини ҳам яратяпти.

Шу маънода, форумни фақат келишувлар имзоланадиган майдон эмас, балки ишонч, мулоқот ва стратегик шериклик платформаси сифатида баҳолаш тўғри бўлади.

Ушбу форум мамлакатимиз халқаро имижини муштаклашда ҳам катта аҳамият касб этмоқда. Бир неча йил аввал халқаро бизнес доиралари Ўзбекистон ҳақида чекланган маълумотга эга бўлган, бугун эса мамлакатимиз жаҳон иқтисодий харитасида фаол инвестиция марказларидан бири сифатида тилга олинмоқда. Бу мамлакатимизда кейинги йиллардаги туб янгиланишлар билан бо-

лиқ. Иштирокчилар айнан шу ўзгаришларни юқори баҳолаб, Ўзбекистонни узоқ муддатли инвестициялар учун ишончли ҳамкор сифатида кўрмоқда.

Инвестицияларни жалб қилишдан қўзланган асосий мақсад фақат иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашдангина иборат эмас. Энг муҳим вазифа аҳоли фаровонлигини оширишдир.

Форум натижасида амалга оширилаётган лойиҳалар мамлакатимизнинг барча ҳудудини қамраб олмақда. Янги саноат зоналари, “яшил” энергетика объектилари, логистика марказлари, меҳмонхоналар, таълим ва тиббиёт муассасалари қуриломоқда. Бу эса ўн миңлаб янги иш ўринлари очилиши, аҳоли даромадларининг ўсиши, маҳаллий тадбиркорлик ривожланиши, экспорт имкониятларининг кенгайиши, ҳудудлар иқтисодий фаоллигининг ошишига хизмат қилмоқда.

Шу жиҳатдан қараганда, Тошкент халқаро инвестиция форумининг самараси ҳар бир оила ва ҳар бир маҳалла ҳаётида ўз аксини топаётганини кўриш мумкин.

Умуман олганда, Тошкент халқаро инвестиция форуми бугун янги Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти, очик ва прагматик тақши иқтисодий сиёсати, халқаро ҳамкорликка қатъий интилишини намоён этаётган энг муҳим халқаро платформалардан бирига айланди. Шубҳасиз, келгуси йилларда ҳам мамлакатимиз тараққиётининг муҳим драйверларидан бири бўлиб қолади ва барқарор иқтисодий юксалишга муносиб ҳисса қўшади.

Жаҳон тажрибаси кўрсатмоқдаки, нодир металлардан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот баҳоси хомашёдан анча юқори бўлади. Шунинг учун чуқур қайта ишлаш фақат саноат учун зарур омил бўлибгина қолмай, мамлакатнинг экспорт салоҳиятига бевосита таъсир кўрсатадиган стратегик вазифага айланмоқда.



Саноат

Ўзбекистон замини шу қадар саховатлики, унинг қаърида Менделеев даврий жадвалидаги барча элементларни топиш мумкин. Шу жумладан, ўнлаб турдаги фойдаланиш қазилмалар ва нодир металларни ҳам. Фақат ресурсларнинг ўзигагина даромад намбаига айлана олмайди. Бугунги кунда хомашёни замонавий ишлаб чиқариш жараёналарига жалб қилган, илғор технологияларни татбиқ этиб, экспортбор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган мамлакатларгина юқори самарадорликка эриша олади.

МУҲИМ МИНЕРАЛЛАР — ГЛОБАЛ РАҚОБАТНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОМИЛИ



Дунёда технологик металлар ва муҳим минералларга талаб кескин ортмоқда. Электротехника, машинасозлик, авиация, энергетика, тиббиёт ва бошқа юқори технологияли тармоқлар учун зарур бундай хомашё ва маҳсулотлар иқтисодий хавфсизлик ҳамда саноат рақобатбардошлиги устуни бўлиб бормоқда. Халқаро таҳлил марказлари хулосасига кўра, муҳим минераллар глобал технологик рақобатнинг ҳал қилувчи омилларидан бирига айланган. Айтиш мумкин, мамлакатларнинг энергетик янгилини, рақамлаштириш ва юқори технологияли саноатни ривожлантириш борасидаги мақом ва мавқеи кўп жиҳатдан уларнинг нодир ва технологик металларни етказиб бериш заنجирини қанчалик назорат қилишига қараб белгиланмоқда. Бу йўналишда тўлақонли саноатлашган экотизимни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Бунда қўшилган қийматнинг салмоқли қисми асосан мамлакатнинг ўзида яратилади. Мана шундай ёндашув экспорт

тушумлари барқарор ўсишини таъминлаб, иқтисодий рақобатбардошлигини оширади. Айтиш мумкин, мамлакатимизда жорий йилнинг ўзида 166 миллион долларлик 12 та лойиҳани ишга тушириш режалаштирилган. Натижада юқори софликдаги селен, теллуру ва рений каби 3 турдаги янги металл, кукун металлургияси асосида автодеталлар сингари 21 турдаги импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ҳамда сульфат кислотаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Шунингдек, янги қувватлар ҳисобидан юзлаб иш ўринлари яратилади, бюджет тушумлари ва экспорт имкониятлари ортади. 15 июнь куни Президентимиз хузурида саноат учун муҳим минераллар хомашё базасини ривожлантириш ҳамда юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш юзасидан бўлиб ўтган тақдиротда бу йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган долзарб масалалар муҳокама қилинди. — Мамлакатимизда бу йўналишда катта салоҳият бор, — дейди тоғ-кон саноати ва геология вазирининг биринчи ўринбосари Феруза Ҳамидова. — Бугун биз давлатимиз



рахбари ташаббуси билан 2024 йилда ташкил этилган Ўзбекистон технологик металлар комбинатининг инвестицион лойиҳаларини тақдирот қилдик. Ҳозирги вақтда мазкур корхонанинг асосий фаолияти вольфрам ва молибден ишлаб чиқариш билан чекланиб қолмоқда. Ваҳоланки, янги конларни ўзлаштириш, бойитиш фабрикалари, гидро ва пирометаллургия заводларини қуриш орқали 28 турдаги муҳим минералларни саноат даражасида ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Ушбу салоҳиятни тўлиқ ишга солиш мақсадида 2026-2030 йилларда умумий қиймати 4,2 миллиард долларлик 120 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Бу орқали тармоқ ҳажмини 2028 йилгача 1 миллиард долларга, 2030 йилгача 2 миллиард долларга етказиш имконияти бор.

Йилгида вольфрам ва молибден бўйича “хомашё — қайта ишлаш — тайёр маҳсулот” занжирини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу орқали фақат концентрат ёки ярим тайёр маҳсулот эмас, балки юқори қўшилган қийматга эга металл кукунлари, қотишмалар, стерженлар, симлар, саноат учун деталлар ва бошқа тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш мақсад қилинган. Жаҳон тажрибаси кўрсатмоқдаки, нодир металлардан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот баҳоси хомашёдан анча юқори бўлади. Шунинг учун чуқур қайта ишлаш фақат саноат учун зарур омил бўлибгина қолмай, мамлакатнинг экспорт салоҳиятига бевосита таъсир кўрсатадиган стратегик вазифага айланмоқда.

Бунинг учун Чирчиқ шаҳрида “Келажак металлари” технопарки ва R&D маркази фаолиятини кенг йўлга қўйиш белгиланган. У ерда илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, юқори софликдаги металллар ва инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур шaroит яратилади. — Йилгида стратегик ва муҳим минераллар соҳасини янги босқичга олиб чиқиш, қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш тизимини янада кучайтириш борасида қатор вазифалар белгиланди, — дейди “Ўзбекистон технологик металлар комбинати” АЖ бошқаруви раиси Фарҳод Абдуллаев. — Асосий мақсад Ўзбекистонни хомашё етказиб берувчи мамлакатдан критик минераллар бўйича

минтақавий технологик ишлаб чиқариш ва экспорт марказига айлантириш. Ҳар қандай соҳа ривож учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш масаласи муҳим аҳамиятга эга. Айтиш мумкин, Тошкент давлат техника университети билан дуал таълим тизими йўлга қўйилган. Технологик металлар комбинатида металлургия ва материалшунослик бўйича 2 та кафедра фаолият кўрсатмоқда. Давлатимиз раҳбари бу йўналишда дуал таълим қамровини кенгайтириш, ўқув дастурларини янги лойиҳалар эҳтиёжига мослаштириш ва битирувчиларни юқори технологик ишлаб чиқаришларга йўналтириш бўйича кўрсатмалар берди. Яна бир муҳим жиҳат. Чирчиқ шаҳрида ташкил этилаётган, Марказий Осиёда муҳим минераллар бўйича ягона илмий-тадқиқот ва технологик марказ — нанотехнология лабораторияси геология, кончилик ва металлургия лойиҳалари учун замонавий таҳлил хизматларини кўрсатади. Натижада бугун хорижда бажарилаётган таҳлиллар маҳаллийлаштирилади ҳамда мuddатлар қисқаради. Мисол учун, икки ойда бажариладиган ишлар бир ҳафтада тайёр бўлади. Лаборатория тўлиқ ишга тушгач, бир кунда минтақача намуна таҳлил қилиниб, 6,5 миллион долларлик импорт хизматлари маҳаллийлаштирилади, яна 4 миллион долларлик хизматлар экспорти йўлга қўйилади. Шу билан бирга, тармоқда рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш зарурлиги таъкидланди. Геологик маълумотларни ягона рақамли базага жамлаш, қидирув ишларини 3D моделлаштириш, ишлаб чиқариш жараёналарини реал вақт режимида назорат қилиш, бозор таҳлили ва лойиҳалар бошқарувини замонавий платформалар орқали ташкил этиш вазифалари белгиланди. Ишлаб чиқариш жараёналари жадал шaroитда мураккаблашиб бораётган суръатда бундай илмий-технологик инфратузилмани яратишнинг аҳамияти янада ортади. Зеро, бугун металлургиядаги рақобатбардошлик фақат ресурсларга эга бўлиш билан эмас, балки тадқиқотларнинг савияси, даражаси ва натижадорлиги, муҳандислар маҳорати ҳамда миллий технологияларнинг нечоғлиқ тақомиллашгани билан боғлиқ. Тақдиротда белгиланган вазифалар мамлакатимизнинг стратегик минераллар бўйича технологик мустақиллигини таъминлаш, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва критик минераллар глобал бозорда ишончли иштирокчига айлантиришга замин яратлади.

Лутфулла СУВОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Худудларда ТАШАББУСДАН НАТИЖАГА

Худудлар ривожини, аввало, аҳолининг фаровон турмуш тарзини таъминлашга хизмат қилади. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил биринчи чораги ақунларига бағишланган видеоселектор йиғилишида иқтисодий ўсишни янада ошириш бўйича белгилаб берилган вазифалардан мақсад-муддао ҳам шу. Хўш, бу борадаги ишлар Сурхондарё вилоятида қандай бажарилмоқда?

Масалан, Бандихон туманида кейинги йиллардаги бунёдкорлик ва ободлик нафақат худуд кўчасини, балки одамлар тафаккурини ҳам ўзгартирди. Бугун аҳоли ислохотлар, аввало, халқ манфаати, инсон қадрини ва фаровон ҳаёти учун экранини чуқур англаб етмоқда. Худудлардаги ўзгаришлар қалбларга ҳам кўчиб, одамларда “шу маҳалла, шу кўча меники, унинг ободлигига мен ҳам масъулман” деган дахлдорлик туйғусини кучайтиряпти. Ана шу ҳамжиҳатлик ва халқ билан бирга ишлаш тамойили асосида бугун Бандихон туманида асфальт қилинмаган, инфратузилмаси яхшиланмаган кўчалар деярли қолмади. Энг муҳими, бу жараёнда аҳолининг фикри, ташаббуси ва тақаббули ҳам инобатга олинган. “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси орқали фуқаролар ўз худудидидаги муаммоларни ўзи кўтариб чиқиб, уларнинг ечимига бевосита ҳисса қўшмоқда. Хусусан, Бандихон туманидаги Сарой маҳалласи аҳолиси ҳам ушбу жараёнда фаол иштирок этиб, ташаббусларини амалий натижага айлантира олди. Жорий йилги “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси биринчи мавсумида маҳалла аҳолиси илгари сурган тақаббули деб топилди. Натижада худуддаги “Работак” кўчасининг 3100 метр қисмига асфальт ётқизилди. “Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг жорий йилги биринчи мавсумида Бандихон туманидаги Лимонзор, Баҳористон ва Сарой маҳаллаларида ички кўчалар инфратузилмасини яхшилашга қаратилган тақаббул аҳоли томонидан қўллаб-қувватланиб, юқори овоз билан ғойиб бўлди. Жумладан, умумий узунлиги 8 километргача бўлган ички кўчаларни асфальтлаш бўйича тақаббул 5000 дан орттиқ овоз тўплаб, бунёдкорлик ишларини бажариш учун танлаб олинди. Бундан ташқари, Пахтакор маҳалласининг Ашурхон кўчасида электр таъминоти тизимини тубдан яхшилашга қаратилган лойиҳа доирасида 10 минг метрдан орттиқ электр тармоғи янгилини, 250 та эски симёғоч алмаштирилиши ҳамда қуввати юқори бўлган 4 та трансформатор ўрнатилиши режалаштирилган. Бу орқали 220 дан орттиқ хонадон ва 70 га яқин хўжаликни барқарор электр энергияси билан таъминлаш кўзда тутилмоқда. Мазкур лойиҳалар аҳолининг ўз худуди ободлиги учун фаол иштирок этаётгани ҳамда ташаббусли бюджет тизими орқали энг долзарб масалалар босқичма-босқич ҳал этилаётганини аққол намоён қилаяпти.



Бугун Бандихон туманида аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва янги иш ўринлари очиб масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада худудда қатор истиқболли лойиҳалар амалга оширилиб, тадбиркорлар учун янада қулай шарт-шaroит яратилди. Хусусан, Бектепа маҳалласи худудиде ташкил этилган кичик ва ёшлар саноат зонасида умумий қиймати 1,3 миллиард сўмлик лойиҳалар амалга оширилиши натижада 37 та тадбиркорлик субъекти фаолият бошлаши ва 120 дан орттиқ янги иш ўрни очилиши кутилмоқда. Наҳиддин Норов ҳам мазкур кичик ва ёшлар саноат зонасида ўзининг севган хунари — темирчилик асосида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. У ўзи билан бирга беш тенгқурини ҳам доимий иш билан таъминлади. Бугун улар тайёрлаётган темир дарвоза, панжара ва ўриндиқ каби буюмларни тумандаги қўллаб-қувватлов ҳамда марказий кўчалар ёқасида учратиш мумкин. Сифат ва меҳнатга масъулият эса устанинг ишига ишончини янада оширмоқда. — Бектепа маҳалласи худудиде майдони 9 гектар бўлган кичик саноат зонаси ташкил этилган. Бу ерда инфратузилма ҳам босқичма-босқич яхшиланимоқда. Айтиш мумкин, туманда жорий йил бошидан буён ижтимоий соҳа инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида мактаб ва мактабгача таълим ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий жиҳозлар билан таъминлаш ҳамда таълим-тарбия жараёни учун янада қулай муҳит яратишга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Шу билан бирга, маҳалла фуқаролар йиғинлари учун янги бинолар барпо этиш орқали аҳоли билан ишлаш тизими янада қулай ва самарали шаклга келтирилмоқда.

Бандихон туманидаги Қалдирғоч маҳалласида жойлашган 19-мактаб ўқувчилари ҳозиргача икки сменада таълим олиб келаётган эди. Умумий қиймати 2,7 миллиард сўмлик лойиҳа асосида 180 ўринли янги, замонавий ўқув биноси қурилаётгани ўқувчиларни қамраб олиш имкониятини кенгайтириш баробарида ўғил-қизларнинг билим олиши учун янада қулай, ёруғ ва замонавий муҳит яратяди. Маълумотларга кўра, Бандихон тумани 2020 йили қайта ташкил этилган вақтда худудда атиги 2 та давлат мактабгача таълим ташкилоти мавжуд бўлган ҳамда боғча ёшидаги болалар қамрови эса бор-йўғи 4,9 фоизни ташкил этган. Ўтган даврда 15 та

давлат мактабгача таълим ташкилоти ҳамда 2 та давлат-хусусий шериклик асосидаги боғча қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 78 та оилавий боғча ташкил этилган. Натижада қамров 82,3 фоизга етказилган. Айтиш мумкин, тумандаги Қинор маҳалласида умумий қиймати 4,5 миллиард сўм бўлган 120 ўринли янги давлат мактабгача таълим ташкилоти қурилиб, фойдаланишга топширилиши арафасида турибди. — Маҳалламизда замонавий боғча қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ота-оналар учун катта қулайлик яратиб, маҳалламиз аҳолисига мамнуният бағишламоқда. Илгари маҳалламизда давлат мактабгача таълим ташкилоти мавжуд бўлмаган. Энди мактабгача тайёрлов асосида таълим-тарбия олган ёш авлод вақилари келади, — дейди ўқитувчи Эшбўри Мустафоев. Бандихон туманида 22 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Уларнинг 2 таси туман марказида жойлашган. Шу билан бирга, 3 та маҳалла қўшни туманлар билан чегарадош худудда, яъни марказдан анча олисда фаолият юритади. Энг муҳими, барча маҳалла фуқаролар йиғинлари алоҳида биносига эга бўлиб, бу ҳолат аҳоли билан тизимли ва

самарали ишлаш имкониятини янада кенгайтирмоқда. Бир вақтлар асосан узумчилик билан машғур бўлган Олтинсой туманида бугун йўлга қўйилаётган йирик лойиҳалар нафақат ички бозорни таъминлаш, балки экспорт ҳажмини оширишга ҳам хизмат қилаяпти. Энг муҳими, бу ўзгаришлар оддий инсонлар ҳаётида ҳам яққол сезилмоқда. Алоудин Рўзиев тадбиркорлик фаолиятини бошлаган кезларда янги соҳага қўл уриш осон кечмаган эди. Чунки тадбиркорлик ишини бошлаш, маблағ ва бозор масалаларини уни бир оз чўчитган эди. — Кейинги йилларда юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган кенг имкониятлар, имтиёзли кредит ва молиявий қўллаб-қувватловлар ишончимизни янада оширди. Меҳнатимиз ва тадбиркорликда ёрдам туфайли нафақат оиламиз фаровонлигига, балки худудимиз иқтисодиёти ва янги иш ўринлари очилишига ҳам хизмат қилган. — дейди тадбиркор Алоудин Рўзиев. Маълумотларга кўра, 2026 йилнинг биринчи чорагида Олтинсой туманида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 84,4 миллиард, бозор хизматлари ҳажми 248,6 миллиард, қурилиш ишлари эса 8,2 миллиард сўмни ташкил этди. Бу рақамлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 6 фоиз ўсишга эришилганини кўрсатади. Олтинсой ҳокимлиги маълумотларига кўра, жорий йилда туманда умумий қиймати 46,3 миллион долларлик 36 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган. Бу орқали янги ишлаб чиқариш қуввати ва қўшимча иш ўринлари очилди. Шунингдек, экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида ташқи бозорлар билан янги келишувлар устида ишланмоқда. Бу эса валюта тушуми ва бюджет даромадининг ўсишига хизмат қилади. — Туманимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари очиб, ишсиз аҳолини касб-хунарга ўқитиш, тадбиркорликка жалб этиш борасида ҳам тизимли ишлар қилинмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида туманда 6691 та янги иш ўрни очилди. Бунда асосий эътибор саноат, хизмат кўрсатиш, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган, — дейди Олтинсой тумани камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими бошлиғи Азамат Норбоев. Бугун Сурхон воҳасининг чекка туманлари — Бандихон ва Олтинсойда кузатилаётган бундай ўзгаришлар худудларнинг барча қишлоқ ва маҳаллалари ҳаётида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Янги ишлаб чиқариш қувватлари, инфратузилма лойиҳалари, аҳоли бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган ишлар одамларнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаяпти. Энг муҳими, кенг қўламли ислохотлар натижасида чекка худудлар ҳам иқтисодий ва ижтимоий тараққийнинг фаол нуқтасига айланади.

Сарвар Тўраев, “Янги Ўзбекистон” мухбири



Шарҳ

Мамлакатимизда 2016 йилдан бошлаб амалга оширилаётган судлов ислохотлари доирасида қатор муҳим ҳуқуқий ва институционал ўзгаришлар рўй берди.

Судьялар олий кенгашининг тузилиши, суд ишларини электрон юриштиш тизимининг жорий этилиши ва суд мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган қонунчилик ўзгартиришлари шулар жумласидан. Бироқ суд аппарати ходимларига нисбатан тизимли комплаенс назоратни йўлга қўйиш масаласи шу пайтгача мустақил норматив жиҳатдан тартибга солинмаган эди.

Судларда комплаенс назорат: қонунийлик, ахлоқийлик ва шаффофлик асоси

Коррупция, айниқса, суд тизимида оғир оқибатларга олиб келади: у нафақат алоҳида шахслар ҳуқуқи, балки жамиятнинг ҳуқуқий тартибига ишончини сўндиради. Жаҳон банкининг "Бошқарув кўрсаткичлари" маълумотларига кўра, суд тизимидаги коррупция мамлакатнинг инвестиция жозибадорлиги ва иқтисодий ривожланишига тўғридан тўғри салбий таъсир кўрсатади.

Давлатимиз раҳбарининг 2026 йил 8 июндаги "Судларда комплаенс назорат тизими самардорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони мазкур бўшлиқни тўлдиришга қаратилган. Фармон суд тизимида коррупцияга қарши превентив механизмни, кадрларни адолатли бошқариш тизими ва ходимларнинг касбий маъсулиятини институционал жиҳатдан мустаҳкамлайди.

Зеро, коррупциянинг олдини олиш — коррупцияни фақат жазолаш эмас, балки ўз бермасидан аниқлаш ва бартараф этиш асосида замонавий ёндашув, кадрларни адолатли танлаш — суд аппаратидаги билим ва малакаси асосида уларнинг салоҳияти, иқтидори, касбий сифатларини инобатга олган ҳолда одилона ва ҳаққоний баҳолаш асосида ишга қабул қилиш, суд тизимига жамоатчилик ишончини мустаҳкамлаш, суднинг нуфузи ва обрўсини янада ошириш, суд органларини давлат ислохотларининг кўмакчасига айлантириш фармонининг асосий мақсадлари эди белгиланди. "Комплаенс" тушунчаси ташкилот фаолиятини қонуни ҳужжатлари, ички қоидалар, касб этикаси стандартлари ва халқаро меъёрлар талабларига мувофиқлигини таъминлашга қаратилган ташкилий-бошқарув механизмларини қамраб олади.

Молиявий секторда кенг қўлланилган комплаенс тизими давлат органлари, хусусан, суд тизимига нисбатан ҳам тобора кенг табиқ этилган. Суд тизимида комплаенс назоратини суд органлари фаолиятида қонунийлик, ахлоқийлик ва шаффофликни таъминлашга хизмат қилувчи, коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва бошқаришга қаратилган институционал назорат механизми деб таърифлаш мумкин.

Фармонга кўра, Олий суд таркибиде комплаенс назорат хизмати ташкил этилади. У тўғридан тўғри Олий суд раисига бўйсунди, яъни ҳеч ким унга таъсир кўрсата олмайди, мустақил бўлади. Бундан ташқари, ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳри судида алоҳида "инспектор" лавозими жорий этилади — жами 15 нафар. Улар ҳам маҳаллий раҳбарга эмас, фақат комплаенс назорат хизмати бўйсунди.

Ҳужжатда назорат субъектлари бўйича ваколат чегараси аниқ белгиланган. Унга кўра, суд тизимида коррупциянинг олдини олиш судьялар корпусига нисбатан Судьялар олий кенгашининг судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича суд инспекцияси, суд аппарати, шунингдек, судлар фаолиятини таъминлаш департаментини ҳодимларига нисбатан комплаенс назорат хизмати томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Комплаенс назорат хизматининг асосий вазифалари мазмунига кўра суд аппарати фаолиятида



Шерзод АБДУГОДИРОВ, Одил судлов академияси ректори, юридик фанлар доктори, доцент

Фармонга кўра, Олий суд таркибиде комплаенс назорат хизмати ташкил этилади. У тўғридан тўғри Олий суд раисига бўйсунди, яъни ҳеч ким унга таъсир кўрсата олмайди, мустақил бўлади. Бундан ташқари, ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳри судида алоҳида "инспектор" лавозими жорий этилади — жами 15 нафар.

коррупция юзага чиқишига шарт-шароит яратувчи омилларни олдиндан аниқлайди, уларни баҳолайди ва бартараф этиш чораларини кўради. Мониторинг ва назорат асосида ходимларнинг касб этикаси ҳамда қонунийлик талабларига риоя этишини доимий кузатиб, ишга қабул жараёнида шаффофликни таъминлайди. Ҳар бир номзодни коррупцияга қарши текширувдан ўтказиши. Ходимлар ва оила аъзолари: турмуш ўртоғи, вояга етмаган фарзандларнинг даромади ва мол-мулкни декларация қилиш тизимини юритиши. Ходимларда коррупцияга муроасиз муносабат шакллантириб, бу борадаги билим ва кўникмаларини узлуксиз ошириб боради. Халқаро стандартлар асосида коррупция фактлари бўйича хабар берган ходимларни ҳимоя қилади ва рағбатлантиради. Фуқаролар учун хавфсиз мурожаат каналларини жорий этади.

Фармонга мувофиқ, Олий суд томонидан коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ва хавф-хатар даражаси юқори лавозимлар рўйхати тасдиқланади. Ана шу хавфли вазифалар рақамлаштирилади. Мақсад — инсон омилли, яъни субъектив қарор қабул қилиш ва коррупцион манипуляция учун имкониятларни камайтириш.

Ҳужжат билан ходимнинг шахсий манфаатлари хизмат ҳолисисига таъсир кўрсатмаслигини институционал жиҳатдан кафолатлаш мақсадида ходимларни ишга қабул ва меҳнат фаолиятида оид кечовлар низоми тасдиқланди. Унга кўра, илгари коррупция жинояти учун айбдор деб топилганларни ишга олиш тақиқ-

ланади. Ножўя хатти-ҳаракатлар учун бошқа ҳуқуқ органидан бўшатирилганларга уч йиллик мораторий қўйилади. Илм, таълим ва ижоддан ташқари ҳар қандай ҳақ тўланадиган фаолият, тадбиркорлик, хизмат вазифасини сиёсий мақсадларга йўналтириш ва чет элда мол-мулк ёки ҳисовбарак очини ҳам тақиқланади.

Бу борада касбий ва ахлоқий сифатларни биргаликда баҳолашни очиқ танлов тизими жорий этилиб, "vacancy.sud.uz" портали орқали вакансиялар эълон қилинади. Номзодлар сунъий интеллект ёрдамида сараланади. "SudHR" платформаси ишлаб чиқилиб, кадрлар маъмуричилиги тўлиқ рақамлаштирилади. Ходимларнинг стресс бардошлилиги, жамоада ишлаш ва мослашув кўникмалари ривожлантирилади. Шунингдек, юридик олий таълим муассасалари ва Бошқарув самардорлиги агентлиги билан ҳамкорлик орқали илмий салоҳиятли кадрлар жалб этилиб, билим ва малака асосида шакллантирилган профессионал жамоа яратилади.

Судьялар корпусида коррупцияга муроасизликни шакллантириш мақсадида суд тизимида коррупцияга қарши барқарорлик даражаси диагностикадан ўтказилади. Судьяликка номзодлар фақат билим эмас, балки шахсий проффесионал ва ахлоқий барқарорлик нуқтани назардан ҳам баҳоланадиган тизим жорий этилади. Суд ишларини тақсимлаш дастури тақомиллаштирилиб, мезонлар аниқ ва тўлиқ белгиланиб, жараён шаффоф ҳолга келтирилади. Одил судлов академиясида "реал кейслар" ҳаётдан олинган вазиятлар асосида ўқув-амалий модуль жорий этилади. Манфаатлар тўқнашуви ва коррупциянинг бошқа кўринишлари таҳлил этилади. Барча судьялар ва суд аппарати ходимлари ҳар уч йилда коррупцияга қарши мажбурий малака ошириш курсидан ўтади.

Шунингдек, Одил судлов академиясида ички хавфсизлик назорати хизмати ташкил этилиб, таълим муассасасининг ўзида ҳам мустақил назорат механизми яратилди ҳамда академия коррупцияга қарши курашиш менежментининг халқаро стандарти бўйича мустақил аудитдан ўтказилади. Бу ўзбекистон суд тизимини глобал комплаенс стандартлари билан уйғунлаштиришни аниқ белгиласидир.

Мазкур фармон суд тизими ислохотларида коррупцияга қарши институционал назорат механизмининг ўрнатилишига муҳим қадамдир. Фармон нормаларининг тўлиқ амалга оширилиши суд органларига жамоатчилик ишончини янада мустаҳкамлаш ва Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги устувор мақсадларга хизмат қилади.



АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЎҚИТИШДА ЎЗИГА ХОС ЁНДАШУВ

Дунё микёсида эълон қилинаётган бўш иш ўринлари таҳлили ахборот технологиялари соҳасида энг юқори баҳоланаётган мутахассислар дастурлашни пухта билиш билан бирга техник билимини глобал мулоқот кўникмалари билан уйғунлаштири оладиган кадрлар эканини кўрсатмоқда.



Маъмураҳон МУСАЕВА, Ренессанс университети ахборот технологиялари кафедраси ўқитувчиси

Чунки бугунги дастурчи, масалан, Тошкентдаги аудиторияда таҳсил олаётган бўлса-да, эртага Сингапурдаги буюртмачи билан лойиҳа муҳокама қилиши, Европадаги ҳамкасблари билан бир жамоада ишлаши ёки дунёнинг исталган нуқтасидаги очиқ манбали платформаларга ўз хиссасини қўйиши мумкин. Рақамли макон географик чегараларни тан олмайдиган бир даврда эса ахборот технологиялари соҳаси учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш

Шунингдек, ахборот технологиялари соҳасида чет тил, айниқса, инглиз тилининг ўрни алоҳида. Дастурлаш тилларига оид қўлланмалар, техник ҳужжатлар, халқаро платформалар, илмий мақолалар, он-лайн курслар ҳамда энг сўнгги инновацион ечимларнинг катта қисми айнан шу тилда тақдим этилади. Бундай манбалар билан бевосита ишлаш эса талабнинг билим доирасини кенгайтиради, мустақил изланиш кўникмаларини шакллантиради ҳамда замонавий тенденцияларни тезкор ўзлаштириш имконини яратяди.

Бундай шароитда фан ва тилни уйғунлаштирган CLIL (Content and Language Integrated Learning) технологияси замонавий таълимнинг долзарб ечимларидан бири сифатида эътибор қозонмоқда. Мазкур ёндашув талабаларга бир вақтнинг ўзида касбий билимларни чуқур эгаллаш, хорижий тилдаги соҳавий терминологияни ўзлаштириш ҳамда халқаро касбий муҳитга мослашиш имконини беради. Айтайлик, бир неча йил аввал дастурлашни ўрганаётган талаба учун дарсликдаги мазмунини пухта ўзлаштириш муваффақият мезонини саналарди. Ҳозир вазият мутлақо бошқача.

Технологик янгиланишлар шу қадр тезлашдики, университет аудиториясида ўрганилган билимлар меҳнат фаолияти бошланғичига қадр бир неча бор янгиланиб кетган. Кеча талаб юқори бўлган дастурий воситалар ўрнини бошқалари эгаллайди, янги платформалар пайдо бўлади,

кузатиш мумкин. Яъни талаба дастурлаш бўйича техник топширқини ўқиб, веб-технологиялар юзасидан хорижий манбаларни таҳлил қилиб, маълумотлар базасига оид тавсифлар билан ишлаш экан, тил кўникмаси билан касбий тайёргарлик бир-бирини тўлдириб боради.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, бугунги ёшлар орасида янги гоълар муаллифи сифатида ўз салоҳиятини рўёбга чиқаришни истайдиганлар талайгина. Шунингдек, стартап ташаббуслари, инновацион ишланмалар ва рақамли хизматлар кўпайиб бораётган даврда маҳаллий лойиҳаларни жаҳон бозорига олиб чиқиш масаласи долзарб. Халқаро инвестор билан мулоқот қилиш, махсулотни хорижий аудиторияга таништириш, ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш учун эса глобал касбий макон тилини тушуниш зарур. Шу жиҳатдан CLIL ёшларнинг олдида янги эшикларни очадиган, салоҳиятини кенгроқ майдонларда синаб кўриш имконини берадиган янги ҳаёт ёндашувидир.

Мамлакатимиздан етишиб чиқаётган АТ мутахассисларининг халқаро майдондаги муваффақиятлари Ўзбекистоннинг интеллектуал салоҳияти, ёшлар сиёсати самардорлиги, миллий таълим тизими рақобатбардошлигини ҳам намойиш этади. Биргина муваффақиятчи лойиҳа ортда замонавий таълим, узлуксиз изланиш, дунё билан тенг мулоқот ва баҳсга киря олиш имкониятлари туришини унутмаслик лозим.

Шундай экан, рақамли иқтисодиёт тобора чуқур илдиэ отаётган бугунги шароитда ахборот технологиялари соҳаси учун тайёрланаётган мутахассислардан янгиликча очиклик, узлуксиз ўрганишга интилиш, мустақил фикрлаш ва глобал ҳамкорлик муҳитида ишлаш қобилияти талаб этиляпти. CLIL технологияси ана шу жараёнга янги мазмун олиб киради. Шу маънода, ахборот технологияларини ўқитишда мазкур ёндашувдан самарали фойдаланиш таълим тизимининг ички малакаси даражасидан эътибор мазмун касб этади.

Бугун аудиторияда хорижий манба билан мустақил ишлаётган, техник топширқин моҳиятини англаётган, ўз гоёсини ишонч билан ҳимоя қилаётган талабалар эртага янги дастурий махсулот муаллифи, муваффақиятчи тадбиркор, халқаро лойиҳа иштирокисини ёки излаб тендосларига йўл кўрсатувчи тавсиялари дунё бўйлаб бир вақтнинг ўзида тарқалади.

Демак, айни ўринда тил билиш касбий фаолиятнинг кундалик воситасига айланаши лозим. CLIL технологиясининг ўзига хос жиҳатини айнан шу нуқтада аққол



масаласи мамлакатнинг истиқболдаги таррақийтини белгиловчи стратегик йўналишидир.

Мамлакатимизда "Рақамли Ўзбекистон — 2030" стратегиясида рақамли инфратузилмани тақомиллаштириш, АТ экотизимини мустаҳкамлаш, халқаро стандартларга мос кадрлар тайёрлаш устувор вазифалар қаторидан ўрин олгани бежиз эмас. Бу жараён олий таълим муассасалари олдида ҳам мутлақо янги талабларни қўймоқда. Яъни бугунги талаба — эртанги мутахассислар жаҳон ахборот маконига мустақил ҳаракатлана оладиган, етук кадр бўлиб етишиши шарт.

ТОП-300 ОЛИЙ ГОҲЛАРИ

юртимиз иқтидорли ёшларини қарши олмоқда

Эртаниэ эгалари

Бундан икки ой аввал Иختисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги ташкил этган матбуот анжуманида биз, журналистлар мутасаддиларга агентлик тизимида таҳсил олаётган ёшларнинг олийгоҳга кириш кўрсаткичлари, бандлик даражаси юзасидан саволлар бергандик. Масъуллар эса натижалар ҳаракатга яраша бўлаётгани, тизим ўзини оқлаётгани хусусида гапирганди.

Яқинда Муҳаммад ал-Хоразмий мактабиде бўлиб ўтган биттирувчилар саммитида саволларимизга рўйи рости, амалий жавоб топгандек бўлди. Қувончдан кўзи ёниб турган ўғил-қизлар — улкан ютуқлар эгалари билан суҳбатлашдик.

Ёшлар эътироф этаётганидек, Президент мактаблари иқтидорли ёшлар учун янги имкониятлар эшигини очаётир. Бу мактаблар биттирувчилари нафақат таълим, балки илмий изланиш, стартап лойиҳалар ва халқаро миқёсдаги ютуқлари билан мамлакат тарақийтига ҳисса қўшаётгани ҳам ҳақиқат. Иқтидорли ёшлар билан ишлаш тизими, таълим жараёнларига хорижий тажриба ва халқаро стандартлар жорий этилганининг самараси ўларок, билимдон ёшларнинг дунё илмий майдонларида рақобатга киришиб, интеллектуал салоҳиятигини намоян этипти.

Шу ўринда айтиш жоизки, Президент мактаблари Cambridge, CIS, Cognia, Inc ва Pearson-Edexcel каби халқаро таълим

ташкilotлари аккредитациясидан ўтказилиб, халқаро мактаб мақомига эга бўлди. Шунингдек, бу мактаблар IELTS, SAT, A-level ҳамда AS-level сертификатлари учун имтиҳонлар ўтказиладиган British Council, College Board, Cambridge ва Pearson-Edexcel ташкilotларининг расмий марказларига айланди. Мирзо Улугбек ва Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги иختисослаштирилган мактаблар, Ал-Беруний номидаги халқаро мактаб-интернат Халқаро бакалаврият ташкilotи дастурлари бўйича аккредитациядан ўтди.

2025/2026 ўқув йилида агентлик тизимидаги 228 та мактабда 9 минг педагог 75 минг ўқувчига таълим беради. Президент мактабларининг 327 биттирувчисидан 171 нафари хорижий олийгоҳларга грант асосида қабул қилинган бўлса, иختисослаштирилган мактабларнинг 8640 биттирувчисидан 1564 нафари мунтазам оқим талаба бўлди. 99 биттирувчи 100 фоиз грант (жами 12,5 миллион АҚШ долларидан ортиқ) билан талабалikka қабул қилиниб, 89 нафари ТОП-300 талиқдаги университетларга йўл олди.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

қабул қилиниб, 89 нафари ТОП-300 талиқдаги университетларга йўл олди.

Бу йилги биттирувчилар орасида ҳам тенгдошларини руҳлантирган, ота-оналарда ҳавас уйғотган йигит-қизлар талайгина. Жумладан, Муҳаммад ал-Хоразмий мактаби биттирувчилари Элбек Соҳиджонов ва Асилбек Суннатов Массачусетс университетига қабул қилинган бўлса, Фаргона Президент мактаби ўқувчиси Диларфўз Собирова Гарвард университети грантини ютди, Нурафшон Президент мактаби ўқувчиси Муҳсинжон Мовуталиев эса Гонконг университети талабаси бўлди.

Сариосиё тумани иختисослаштирилган мактаб-интернати ўқувчиси Жасурбек Кароматов АҚШнинг бир йўла 12 та нуфузли университетига қабул қилинди. Унинг нуфузли олийгоҳлардан олган умумий гранти 667 минг доллардан ортиқ.

Бу каби ёшлар рўйхатининг давом эттириш мумкин. Ҳар бир исм ортида уйқусиз тунлар, ўқилган юзлаб китоблар ва энг муҳими, ёрқин келажакка чекиз ишонч турибди. Шунинг учун ота-оналар бугун фарзандларининг мана шундай мактабларда ўқишини истапти. Ушбу мактабларга тайёрловчи ўқув

курсларига эҳтиёж кескин ортган. 2023-2025 йилларда тизимдаги таълим муассасалари сони кенгайиши натижасида 1600 дан зиёд иш ва 12,5 мингдан ортиқ ўқувчи ўрни яратилди.

2023-2025 йилларда Президент, ижод ва иختисослаштирилган мактабларда ўқиш истагиде бўлган талабгорлар сони 222 минг 561 дан 255 минг 613 нафарга етди. Шулардан келиб чиққан ҳолда, бу йил тизимдаги таълим муассасалари сони янада кенгайди. Қашқадарь, Наманган ва Навоий вилоятларида Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги иختисослаштирилган мактаб филиаллари ташкил этилиши ва 5-10-синфларга ўқувчилар қабул қилиниши кўплаб талабгорларни хурсанд қилди.

"Янги Ўзбекистон" университети ва Мирзо Улугбек номидаги иختисослаштирилган мактаб тажрибаси асосида ташкил этиладиган муҳандислик мактаблари ҳам айни йўналиш қизиқувчилари учун катта имконият. Мазкур мактабларда ўқув жараёни STEM модели асосида ташкил этилади. Дастлабки 3 йилда физика, математика ва хорижий тил, кейинги 2 йилда муҳандислик фанлари бўйича бошланғич тайёргарликка эътибор қаратилади. Мактабларга ҳудудлардаги муҳандислар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари билан биргаликда Интеграцияланган фанлар мазкур олийгоҳнинг профессор-ўқитувчилари томонидан ўқитиб борилади. Муҳандислик мактабларининг яна бир жозибадор томони шундаки, етарли талабларни бажарган биттирувчиларга муҳандислик таълим дастури бўйича тегишли таълим йўналишида бир йиллик қўшимча давлат гранти асосида 2-курсдан тест синовларисиз ва қўшимча имтиҳонларсиз ўқишини давом эттириш ҳуқуқи берилади.

Бугун илм-фанда ўсаман, энг бандан чўққиларни забт этман деган ёшларга давлатнинг ўзи, бутун бир халқ хайрихоҳ. Чунончи, маҳаллада бир йигит ёки қиз чет эл

олийгоҳига грант асосида ўқишга кирибди деса, худди ўз фарзанди учун қувонгандек қувоняпти одамлар. Яқинда Навоий шаҳрида Президент мактабининг 7 биттирувчиси "Эл-юрт умиди" стипендиясини қўлга киритди.

Давлат айнан шу йўлдаги, мақсади эзгу ёшлар сафини кенгайтиришдан манфаатдор. Зеро, улар чиндан ҳам тараққийта ҳисса қўшувчи, бунёдкор ёшлар сифатида қадрланади. Бу эса — энг тўғри йўл.

"Янги замон биттирувчилари — янги Ўзбекистон бунёдкорлари" деб номланган биттирувчилар саммитида чет эллик меҳмонлар мамлакатимизда ёшларнинг илм олишига берилаётган алоҳида эътиборни эътироф этди. Хусусан, тадбир меҳмонлари орасида Хитойнинг Yinhua Academy таълим муассасасидан ташриф буюрган 18 ўқувчи ва ўқитувчидан иборат делегация Ўзбекистоннинг таълим тизими ва ёшлари ҳақида билиш яқиндан танишди. Самимий ва илқик фикрлар, ёрқин таассуротларга бой бўлган бу ташриф икки давлат ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам бўлди.

Саммитда, шунингдек, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан инвесторлар тақдирланди. Уларнинг биттирувчиларимиз лойиҳаларига сармоя киритишга тайёр экани ёшларни яна янги-янги лойиҳалар, стартаплар сари ундаганди ҳақиқат йўқ. Шу маънода айтиш мумкинки, бундай тадбирлар Президент, ижод ва иختисослаштирилган мактаблар биттирувчилари эришган ютуқларни эътироф этиш, илмий, инновацион ва стартап лойиҳаларини кенг жамоатчиликка таништириш, шунингдек, ёшлар ва инвесторлар ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш учун муҳим майдон вазифасини ўтайди.

Муножат МҰМИНОВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

